

## ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТНИ ЯХШИЛАШДА «MedEx-103» МОБИЛ ИЛОВАСИНИ ЎРНИ

Алланазаров А.Х, Таджитдинова Г.Ғ  
ТТА Урганч филиали

**Кириш.** Сўнги 10-15 йил ичида, жаҳон тиббиётига кириб келаётган янгиликлар (ўта нозик, ихчам, мукамал, инновацион ва нано техникалар), дунё тиббиёти соҳасида кескин ва инқилобий ўзгаришларга олиб келмоқда.

16.06.2022 йилда “Аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 283-сонли Президент қарори қабул қилинди, шу орқали тез тиббий ёрдамнинг ягона вертикал бошқарув тизими, йўлга қўйилиши кўзда тутилган. Ундан ташқари шу дастур доирасида тез тиббий ёрдам автотранспортларига радиоалоқа воситалари ва GPS-трекерлар ўрнатилиши ва бригадалар планшетлар билан таъминланиши белгилаб қўйилган. Тез тиббий ёрдам тизimini тўлиқ рақамли технологияга ўтказилиш ҳозирги куннинг долзарб масаласи эканлиги президентимиз томонидан кўп маротаба такидлаб келинмоқда. 2022 йил 18 март куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан «Тиббиётдаги ислохотлар — инсон қадрини учун» мавзусидаги очиқ мулоқоти тез тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш орқали халқимизни розилигига эришишни қайта қайта такидлашлари бежиз эмас.

Юқоридаги муоммоларни инобатга олган ҳолда «МедЭкс-103» (MedEx-103) мобил иловамизни халқимизга тиббий хизмат сифатини ошириш мақсадида тақдим қилдик.

«МедЭкс-103» мобил иловаси билан аҳолини тиббий маданиятини ошириш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш.

Тез тиббий ёрдам тизimini тўлиқ рақамли технология ўтказилишини инобатга олган ҳолда биз томонимиздан тақдим қиланадиган «МедЭкс-103» мобил иловасидаги барча маълумотлар онлайн автоматлаштирилган тарзда шакллантирилиб борилади, Technomed.uz ахборот тизими ҳамда бошқа ахборот тизимларига интеграция қилиш орқали имконияти ошириб борилади.

«МедЭкс-103» – мобил иловаси тўлиқ автоматлашган диспетчерлик хизмати «Call-марказ»лар билан интеграция қилинади, унда мижоз буюртмаси сония ичида

қайта ишланиб унга энг яқин масофадаги тез тиббий ёрдам автомашиналари йўналтирилади.

Ундан ташқари, ушбу дастур мижозга хизмат ҳақида ўз фикрини билдириш имконини беради ва жамланган мақтов ёки танқидлар асосида ҳар бир Тез тиббий ёрдам бригадалари таркибидаги шифокорлар ва ҳамшираларнинг рейтинги тузилади. Кейинчалик шифокорлар ва ҳамшираларнинг иш фаолиятини олиб боришида қайт қилинган рейтинг натижалари ҳисобга олинади.

«МедЭкс-103» мобил илова ҳозирги вақтдаги шаҳар ва қишлоқ кўчаларининг тез – тез чирой очиб ўзгариб боришига қарамасдан тиббий биригадаларни жонли геолокация жойлашуви билан ишлаши анча қулайликлар туғдиради, чунки 98 % аҳоли смартфон орқали юмушларини бажаришни одат қилиб олишди. «МедЭкс-103» мобил илова фуқороларимиз жуда қулайлик туғдиради, келаётган тиббий автомобилни реал вақтда қайси нуқтада эканини ҳаритада кўриб туриш ва у айнан етиб келадиган вақтни билиши мумкин. Бу орқали «Call-марказ» ларга бир бемор учун келиб тушуётган қайта – қайта чақирувларни олди олинади. Ундан ташқари «Call-марказ» ларга «МедЭкс-103» мобил иловаси ёрдамида касални ҳолати тўғрисида видео ва расмлар орқали қўшимча маълумотлар бериш мумкин бўлади.

Илованинг афзалликлари бу Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг филиалларида беморга қўйилган ташхис билан танишиш имконияти; мобил иловасида фуқороларимиз томонидан ўзларининг тиббий маълумотлар (қон гуруҳи, қўшимча ва сурункали касалликлар, олдин қабул қилиб келаётган дори воситалари, ЭКГ, рентген, ўтказган операциялар ва ҳ.к.ларни) базасини сақлашлари мумкин бўлади; аҳолининг амбулатор карталарини рақамлаштириш ва электрон шаклда сақлаш ва шу орқали ягона маълумотлар базасини яратиш имконияти; Хар бир фойдаланувчига тегишли саволнома тақдим қилиш ва уни тулдириш орқали фойдаланувчининг касаллик тарихи ва йиллик тиббий курик бланкасини шакиллантириш имконияти;

«МедЭкс-103» мобил иловасининг бирдан-бир ноқулайлик туғдирадиган томони шаҳар марказларидан узоқ бўлган жойларда ва смартфондан фойдаланиши мушкул бўлган кекса ёшдаги фуқороларимиз ҳисобланишади, бунда ҳам эски услубда, диспетчер орқали ишлайдиган тиббий хизматларига камдан кам ҳолларда мурожаат қилинишига эришилади.

Ва ниҳоят, «МедЭкс-103» мобил иловаси – универсал иловадир уни кейинчалик бошқа турли соҳаларида ҳам муваффақиятли қўллаш мумкин бўлади.